

НАМАНГАН ТАЖРИБАСИ

Орифжон Жўраев,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“МАҲАЛЛАБАЙ” ЎРГАНИШНИНГ
ҲАЁТИЙ САМАРАЛАРИ



Суратда: Поп туманининг “Чиганоқ” МФЙда истиқомат қилувчи Барнохон Оқбоева уйининг аввалги ва бугунги ҳолати.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги ўзгариш ва ислохотларнинг дастлабки нуктаси, табиийки, маҳалладан бошланади. Зеро, одамлар ўз кун-далик ҳаётининг деярли кўп қисmini ўзи яшаётган маҳаллада, оиласи даврасида ўтказadi. Худудни ободонлаштириш, ёшларни иш билан таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби рўйхатларга киритилган оилаларга кўрсатилаётган ёрдамлар мисолида одамлар юртимиздаги ислохотларни яққол ҳис қилади, уларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлади.

Шунинг учун Президентимиз ҳар бир мансабдор шахсдан — у вазир ёки ҳокимият раҳбари-ми, ижро органи ёки молия муассасаси масъул ходими, “маҳаллабай” ишлаб, аҳоли турмушини яхшилаш чора-тадбирларини қўришни, ҳатто маҳаллага кўчиб бориб, инсонлар ҳаётига янада яқинлашишни талаб қилапти.

Бугунги кунда Наманган вилоятдаги 775 та маҳалла фуқаролар йиғинида 2 миллион 867 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг ҳар бирига иқтисодий идоралар вакиллари бириктирилиб, маҳаллаларнинг имкониятлари ва ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда “ўсиш нукталари” аниқланди. Ҳар бир маҳаллада 2021-2022 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурлари шакллантирилди.

Мазкур дастурларда маҳаллалар аҳолисини касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш, ишга жойлаштириш, ер, имтиёзли кредит, томорқа учун субсидиялар ажратиш, мактабгача таълим ташкилотлари, тиббиёт пунктлари ва коммунал-кация, электр, газ, сув, йўл, алоқа тармоқларини ривожлантиришга асосий урғу берилган.

— Вилоятимизда “маҳаллабай” ишлаш тизими юзасидан жорий йил учун иш режа тасдиқлаб олинди. Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, уларнинг 307 таси “яшил”, 327 таси “сарик” ва 141 таси “қизил” тоифаларга ажратилди, — дейди вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Шухрат Мусаев. — Бугунги кунга қадар 320,9 мингта хонадон ўрганилиб, 73,8 мингта муаммо аниқланди, шундан 23 минг 492 таси ҳал бўлди. Жумладан, 3 минг 869 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 911 нафарининг соғлиғи тикланди, 47 нафарининг уй-жой муаммолари барҳам топди. Яна қўллаб муурожаатлар ҳам ижобий ҳал этилди.

— “Аёллар дафтари”да тураман. Тумани-миз ҳокими маҳалламизга ташриф буюришини, ҳовлимизга ҳолимизни сўраш учун киришини, тўғриси, кутмагандим ва тасаввур ҳам қилмаган-дим. Чунки бундан беш-олти йил аввал бизнинг муаммоларимиз билан ҳеч ким қизиқмасди, ол-димизга келмасди. Шароитимиз жуда оғир, яшаш жойимиз хароб эди, тўқилиб тушадиган дара-жада эди. Мана, энди уйимиз чиройли, яп-янги кўринишга келди. Учта қизим билан яйраб-яш-наб ўтирибмиз. Қолаверса, даромад топиш ва боқиш учун товуклар ва қўй ҳам олиб келиб бе-ришди. Ҳа, ҳаётимга мазмун кирди. Бунинг учун Президентимиздан, бизга ёрдам қўлини чўзган тадбиркордан, маҳалладошларимиздан чексиз миннатдорман. Илоҳим, ҳаммаларининг боши омон бўлсин! Бу яхшиликларини ҳеч қачон эсим-дан чиқармайман, боғаларим ҳам асло унутмай-ди. Доим икки қўлим дуода, мендан қайтмаса, Аллоҳдан қайтсин, омин! — дейди Поп тумани-нинг “Чиганоқ” МФЙда истиқомат қилувчи Барно-хон Оқбоева кўз ёшларини тийёлмай.

Бошқарма масъул ходими Одилжон Камолов берган маълумотларга кўра, коммунал соҳа-га тегишли муаммолар ҳам жойида бартараф этилмоқда. Вилоятдаги 41 та, жумладан, На-манган шаҳри ва Норин туманида 1 тадан, Чуст ва Янгиқўрғон туманларида 2 тадан, Поп ва Уйчи туманларида 3 тадан, Косонсой тумани-да 9 та, Наманган ва Тўрақўрғон туманларида 10 тадан маҳалла фуқаролар йиғини бинолари қурилди. 99 та маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино бунёд этиш ишларига киришилган. Бундан ташқари, вилоятдаги 100 та маҳалла биносининг бўш турган хоналариди 109 та тад-биркорлик фаолияти ташкил этилди. Жумла-дан, 12 та сартарошхона, 8 та новвойхона, 3 та кичик қандолатчилик ва 55 та тикувчилик цехи, 44 та бошқа турдаги хизмат фаолиятлари йўлга қўйилди.

“Набирамнинг юрагида муаммо пайдо бў-либ, соғлиғи ёмонлашди. Молиявий аҳолимиз ёмонлиғи туфайли бир ёшли қизалоқни Тош-кентга зудлик билан жўнатиб, даволатиш учун имконимиз етмасди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ва туманимиз ҳокими маҳалламизга келганида дардимни очик айт-дим. Улар бизни тушунишди ва кардиолога кўр-

сатиб, пойтахтдаги махсус шифохонага ётиши ва жарроҳлик амалиёти учун бепул йўлланма ёзиб беришди. “Ордер” олиш ва у орқали имти-ёздан фойдаланиш ҳаёлимизда йўқ эди, беҳад хурсандман.

Ростини айтишим керак, илгари ҳокимлар ва раҳбарларнинг қабулига ўзимиз борардик, кунлаб ва ойлаб навбат кутардик, овораю сарсон бўлар-дик. Энди эса мутасаддилар қуйига тушиб, оддий одамларнинг эшигини тақиллатиб, муурожаатини тинглаб, муаммоси билан қизиқяпти”, — дейди Наманган туманидаги “Оқ ер” маҳалла фуқаро-лар йиғинида яшовчи Камолхон Шамсиддинов.

Тарихдан маълумки, қадимда шу худудда яшовчи аҳоли машғул бўлган хунар туридан келиб чиқиб дурадгорлар, пичоқчилар, қурувчи-лар, гулчилар каби маҳаллалар бўлган ва жуда ривожланган. Мазкур аjoyиб аъна бугун На-манганда яна тикланаяпти.

Вилоятнинг жами шаҳар ва туманларидаги 63 та маҳаллаларнинг ихтисослашувчи таҳлилий ўрганилди ва ижтимоий-иқтисодий ривожланти-риш бўйича дастурлари ишлаб чиқилиб, қарор лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига жўнатилди. Масалан, Наманган шаҳридаги “Дамбоғ” маҳал-ласи косибчиликка, Уйчи туманидаги “Қумтепа” маҳалласи темирчиликка, Мингбулоқ туманида-ги “Тегиримонбоши” маҳалласи яшиқчиликка их-тисослашган.

Айни кунларда 10 сотихли камида 100 та иссиқхона ташкил этиш учун 1 125 та талабгор-га 131,5 гектар ер майдони ажратиш ишлари бошланган. Наманган шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги 23 та маҳаллада тикувчилик, қан-долатчилик ва бошқа ишлаб чиқариш цехлари очил-ш учун 16 сотихли фойдаланилмаётган 4 та бўш ер майдони ва 21 та бўш бино аниқланиб, “йўл ҳарита”си ишлаб чиқилди.

Президентимизнинг топшириғига биноан, жорий йилда вилоятда умумий қиймати 4,680 миллион сўмлик 25 та лойиҳа тасдиқланиб, уларни ишга тушириш бўйича амалий сазй-ҳа-ракатларга киришилган. Лойиҳаларни ишга ту-шириш ҳисобига бир ойда 279,6 мингта, йилига 2 миллион 236 мингта қора товўқ етиштириш имконияти яратилади. Ҳозир бу лойиҳаларга кредит маблағлари, ер ажратиш ва шартнома-лар тузиш ишлари бошланган. Бундан ташқари,

Наманган туманидаги “Golden Egg of Namangan” МЧЖ билан 30-40 кунлик 50 мингта қора жўжа етиштириб бериш бўйича шартнома тузилди. Паррандалар, биринчи навбатда, “Темир даф-тар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га кирган фуқаролар бандлигини таъминлаш учун йўналтирилди. Меҳнат вазирлиғи билан бирга-ликда вазирлик тасарруфига ўтаётган 27 та кол-лежда тикувчилик цехларини очил-ш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланаяпти.

“Маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждон кўзгуси”. Шу гоё астида яқинда Нама-нганда “Маҳаллаларда миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳафталиғи” бўлиб ўтди.

Наврўз айёми шуқуҳи сингдирилган мазкур ҳафталик давомида қарийб 800 га яқин тадбир ташкил этилди. Қатор маънавий-маърифий, маданий ва спорт анжуманлари, миллий ўйинлар мусобақаси, “Мен ўқиган китоб”, “Маҳаллам — менинг нигоҳимда”, “Энг обод кўча”, “Энг обод кўп қаватли уй”, “Энг ораста хонадон” каби турли йўналишдаги кўрик-танловлар уюштирилди. Мазкур тадбирларга 52 мингдан зиёд аҳоли жалб қилинди. Шунингдек, худудларда томорқадан самарали фойдаланиш, намунали маҳаллалар тажрибасини оммалаштиришга, хотин-қизлар бўйича маҳалла раиси кўриб-босарлари фаолиятига бағишланган 44 та семинар ўтказилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида секторлар бўйича 52 та худудда бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси орқали 300 нафарга яқин фуқаронинг бандлиғи таъминланди.



Франциянинг Рюэй-Мальмезон шаҳридаги “Ўзбек боғи”да Ўзбекистондан келтирилган мевали дарахт кўчатлари экилди. Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси маълумотига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон ва Франция ҳамкорлиғи ҳар қачонгидан ҳам ривож топиб борапти. Айниқса, маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларимизнинг муҳим қисмига айланган минтақалараро ҳамкорликни тараққий топтираш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, азим Бухоро билан биродарлашган Рюэй-Мальмезон шаҳрида 2019 йил баҳорида барпо этилган “Ўзбек боғи” икки мамлакатнинг дўстлик рамзига айланган.

“Ўзбек боғи” марказида буюк бобока-лонимиз, қомусий олим, тиб илмининг султони Абу Али ибн Синонинг брон-задан ишланган ҳайкали қад ростлаб турибди.

Француз жамоатчилиғи вакиллари ҳам ушбу боғни Ўзбекистон ва Фран-циянинг бир-бирига боғлаб турган тари-хий дўстлик риштаси, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатлар на-мунаси сифатида эътироф этади. Хо-

риждаги илк “Ўзбек боғи”да мамлақати-миздан келтирилган ўрик, гилос, олма ва бошқа турдаги мевали дарахтлар парвариш қилинмоқда.

Наврўз шодиёналари давом эта-ётган шу кунларда Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси жамоаси миллий анъаналаримизга хос тарзда Рюэй-Мальмезон шаҳар мэрияси ва расмий вакиллари билан биргаликда ушбу масканда юртимиздан келти-

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС
ФРАНЦИЯДАГИ “ЎЗБЕК БОҒИ”ДА ЎЗБЕКИСТОНДАН
КЕЛТИРИЛГАН АНОР КЎЧАТЛАРИ ЭКИЛДИ

рилган навбатдаги мевали кўчатларни экди. Жумладан, ўзбек боғдорчилиғи-нинг беағи бўлган анор кўчати ўтқа-зилди.

Таъкидлаш лозимки, икки томонла-ма алоқалар, шунингдек, бошқа йўна-лишларда ҳам ишлар изчил давом этиб келмоқда. Кўргазмалар, туризм салоҳияти ва маданий меросимизга бағишланган тақдиротлар, делегация-лар алмашинуви ва ишбилармон дои-ра вакилларининг мунтазам мулоқоти шулар жумласидан.



Бундан ташқари, барча учун қийин келган COVID-19 пандемияси пайтида ҳам Рюэй-Мальмезон шаҳри мэрияси томонидан Бухоронинг тиббий муас-сасаларига гуманитар кўмак кўрсатил-ганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Рюэй-Мальмезон — Катта Париж метрополиясининг муҳим шаҳри хи-собланади. Бугунги кунда 6 мингдан зиёд турли соҳаларга ихтисослашган ташкилот ва компания мавжуд. Йирик иқтисодий, технологик ва сармоявий йўналишларда фаолият юритадиган Франция ва дунёнинг кўплаб йирик



компанияларининг бош қароргоҳла-ри айнан шу шаҳарда жойлашган. Жаҳоннинг 15 дан зиёд шаҳри билан биродарлик алоқалари ўрнатилган.

— Бугун шаҳримизнинг марказий худуди — “Ўзбек боғи”да кўчат экиш маросимига иштирок этганимдан бағоят хурсандман, — деди шаҳар мэрининг туризм ва маданий ма-салалари бўйича ўринбосари Филип Тротин. — Шаҳримиз кўркига айлан-ган ушбу боғ Бухоро ва Рюэй-Маль-мезон, шунингдек, икки давлат му-носабатларининг рамзидир. “Ўзбек

боғи”нинг яратилганига кўп бўлмаган бўлса-да, кўчат ўтқозиш аънаанага айланиб улгурди. Боғни янада кўка-ламзорлаштириш бўйича биргаликда ҳаракат қиламиз.

Боғ маҳаллий аҳолининг сеvimли масканларидан бирига айланган. Ху-сусан, дам олиш ва байрам кунлари бу ерда жуда кўплаб рюэйликларни учра-тасиз.

Париж

“Дунё” АА.

